

А Ж Р И М

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди 2024 йил февраль ойининг 29 куни, ўз биносида, очиқ суд мажлисида;

Раислик қилувчи судья Б.Э.Каюмов;
судья ёрдамчиси А.Шодмоновнинг котиблигида, томонлардан Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Имомов иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” банди билан судланган

1969 йил 26 ноябрь куни Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, тўрт нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 103-уй, 56-хонадонда яшовчи **Комилов Ғанижон Эргашович**,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг 2021 йил 14 сентябрдаги ҳукмига кўра, Комилов Ғанижон Эргашович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб 3 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2023 йил 3 февралдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўталмай қолган 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Аризада, Ғ.Комилов тайинланган жазони учдан бир қисми ўтаганлигини, оилада ягона боқувчилигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмини ўташдан муддатдан илгари озод қилишни сўраган.

Суд, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, прокурор ёрдамчиси аризани қаноатлантиришни сўраб берган хулосасини тинглаб, қуйидагиларга асосан маҳрум Ғ.Комиловни аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБ Пробация бўлимининг маълумотномасига кўра, маҳрум Ғ.Комилов Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБ Пробация бўлимида ҳисобга қўйилиб, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг 1 йил 11 ой 23 куни ўталмаганлиги кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш маҳкум ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан, маҳкум Ғ.Комиловнинг тайинланган жазоларни ўташ тартиб ва қоидаларини бузмаганлигини, ўзига ижобий хулоса чиқарганлигини, жазо ўташ давомида жавобгарликка тортилмаганлигини, оилавий шароитини, қармоғида тўрт нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчилигини инobatга олиб, унга нисбатан тайинланган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 1 йил 11 ой 23 кун қисмини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 9, 19-банди тушунтиришларига риоя қилган ҳолда маҳкумга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5 қисми талабларини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 541, 542, 586-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Комилов Ғанижон Эргашовичнинг аризаси қаноатлантирилсин.

Комилов Ғанижон Эргашович жиноят ишлари бўйича Нуробод туман судининг 2021 йил 14 сентябрдаги ҳукми билан тайинланган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 1 йил 11 ой 23 кун қисмини ўташдан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисмига кўра, Ғ.Комиловга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлаш белгиланганлиги тушунтирилсин.

Мазкур ажрим нусхаси ижросини таъминлаш учун Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБга, маҳкум Ғ.Комиловга, жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судига ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ оператив-маълумот бошқармасига юборилсин.

Ажримдан норози томон ўн сутка ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки хусусий эътироз келтиришга ҳақли.

Судья

/имзо/

Б.Э.Каюмов

Нусхаси аслига тўғри: _____

